

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Президенти билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель кун Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Президентига оғир жудоликка учрагани – бувиси, ҳурматли Огулабат эдже Бердимухамедова ҳаётдан кўз юмгани муносабати билан чин дилдан ҳамдардлик билдирди.

Сухбатда Ўзбекистон-Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда олий даражадаги келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Яқинда ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, ташқи сиёсий идоралар, транспорт, маданият вазирликлари доирасидаги учрашувлар ва бошқа тадбирларнинг самарали натижалари ижобий баҳоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари, энг аввало, “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо сонасини ташкил этиш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилиб, бир-бирини яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан қутладилар, эзгу тилаклар билдирдилар.

Манба